



БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАЛАРИ

Алимжанова Дилрабо Собиржановна

Tashkent International University мустақил изланувчиси

d.alimjanova@tmci.uz ORCID: 0009-0007-3391-3526

Аннотация: Мақолада тижорат банклари фаолиятининг молиявий натижадорлигининг шаклланиши ва унинг назарий асослари тадқиқ этилган. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг банкларнинг молиявий фаолияти самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий хулоса ва ёндашувлар тизимлаштирилган. Биз тадқиқотимизни амалга оширишда халқаро майдондаги илмий тадқиқотларда илгари сурилаётган гояларни тизимлаштириш ва уларнинг мамлакатлар тажрибаси нуқтаи назаридан молиявий натижадорликни шакллантиришга таъсирини таҳлил қилишга эътибор қаратилган. Банкларнинг молиявий кўрсаткичлари асосида натижадорликни таъминлашга қаратилган илмий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, рентабеллик, активлар сифати, капитал етарлилиги, харажатларнинг даромадга нисбати, фоизли ва фоизсиз маржа.

Кириш

Банкларнинг фаолияти молиявий натижадорлигини аниқлаш ва уни баҳолашда қатор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Тижорат банкларининг молиявий натижадорлиги кўп жиҳатдан унинг даромадлилик даражаси ва рентабеллик миқёсининг таъминланиши билан ўз ифодасини топишини қайд этиш лозим. Ҳозирги кунда банкларнинг молиявий натижадорлигини ҳам молиявий, ҳам номолиявий омиллар асосида аниқлашга нисбатан қатор илмий ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Классик назарияда банкларнинг молиявий натижадорлиги уларнинг маржасини шакллантиришга нисбатан устуворликни берилиши билан ушбу назариянинг ҳозирги кунда трансформацияга учраётганлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, молиявий натижадорлик биргина даромадлилик ва рентабеллик миқёси билан аниқланиши классик қарашларнинг ўзига хос хусусиятини ўзида ифодалаб беради. Бу эса, банкларнинг молиявий натижадорлиги барқарорлик категорияси билан уйғунлашиб кетишини ўзида акс эттириб беради. Шу нуқтаи назардан, кўплаб классик қарашларни ифодалаган тадқиқотларда ҳам банкларнинг молиявий натижадорлиги рентабеллик ва даромадлилик миқёси билан ифодалаганлигини кўрсатиб беради.



Мавзуга оид адабиётлар рўйхати

Изланишларимизни дастлаб АҚШ банк тизими ва унда замонавий молиявий сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга эътибор қаратамиз. АҚШ банкларида молиявий натижадорлик биргина кредит фаолияти билан эмас, балки балки фоизсиз харажатларнинг устуворлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Унда комиссия даромадлар, консалтинг хизматлари ва активларни бошқаришда инвестицион ҳамкорлик кабилар ҳисобига молиявий натижадорлик мустаҳкамланишига эришилади. Шу боисдан, АҚШ банкларида жами фоизли харажатлар улуши кичик бўлсада, капитал рентабеллиги катта бўлиши, айнан фоизсиз харажатларнинг жами даромаддаги улуши 40-50 фоиз атрофида бўлиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

R.DeYoung, T.Rice биргаликда амалга оширган тадқиқотда АҚШ тижорат банкларидаги фоизсиз даромадлар (noninterest income) ва банкнинг молиявий натижадорлиги ўртасидаги боғлиқликни эмпирик жиҳатдан таҳлил қилган. Мазкур ҳолатда эса, банклардаги фоизсиз даромадлар таркибига активларни бошқариш хизмати, молиявий бозоридаги операциялар ва бошқа молиявий хизматлар кириши қайд этиб ўтилади. Улар таҳлиллари асосида қатор илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Жумладан, фоизсиз даромадлар ошган банкларда активлар ва капитал рентабеллиги ҳам ошган, бироқ фоизсиз даромадларнинг барча шакллари ҳам уйғун эмаслиги аниқланади. Масалан, комиссия даромадлар барқарор тенденцияга эга бўлса, молиявий бозори ва брокерлик хизмати ўзгарувчан ва рискли тенденцияни ифода этганлигини қайд этиб ўтади. Шу нуқтаи назардан, банкларда фоизсиз даромадларни ҳам диверсификация қилиш ва уларнинг бозордаги ўзгаришларга сезувчанлигини барқарорлаштириш зарурлигини қайд этиб ўтишади [1].

J.Schildbach ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотда АҚШ ва Европа тижорат банкларининг молиявий натижадорлигини қиёсий таҳли қилиб, икки минтақа банклари ўртасидаги бизнес-модель моҳияти, активлар тузилиши, фоизсиз даромадлар тенденцияси ва регулятив муҳит фарқининг активлар ва капитал рентабеллигига таъсирини таҳлил қилишган. АҚШ банк тизимидаги бизнес моделнинг моҳияти фоизсиз даромадларнинг юқорилиги билан ажралиб туриши қайд этилади. Бу эса, АҚШ банкларида рентабеллик Европа банклариникига нисбатан юқори бўлишига олиб келишини кўрсатиб бериши таъкидланади. Европа банкларида юқори активларга эга бўлсада рентабеллиги паст бўлишига сабаб сифатида анъанавий кредитлаш модели сақланиб қолганлиги билан қайд этилади. АҚШ банкларида фоизсиз даромадлар юқорилиги сабаб капитал рентабеллиги 10-12 фоиз атрофида бўлса, Европа банклари фоизли даромадлар юқорилиги капитал рентабеллигини 7-10 фоиз бўлишини таъминлаётганлигини кўрсатиб ўтишади [2].


С.Нипани ва бошқалар биргаликда АҚШ банк саноатида 2008–2009 йилларда жаҳон молиявий инқирозидан кейинги даврда банк ҳажми (bank size) ва молиявий натижадорлик (performance) ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этганлар. Мазкур изланишларда жуда йирик банкларнинг инқирози (“too big to fail”) ва ўрта ва кичик банклар натижадорлиги ўзаро қиёсланган. Тадқиқотлар натижасида йирик банкларнинг капитал ва активлар рентабеллиги кичик банкларга нисбатан сезиларли катта эканлигини аниқлашган. Шунингдек, улар томонидан банкларнинг масштаб самараси юқори эканлиги асослаб берилади, бошқача айтганда операцион харажатларнинг активларга нисбати камайиб бориши билан даромадлилик ошиб боришини кўрсатишади. Кичик ва ўрта ҳажмдаги банкларнинг даромадлилик даражаси ҳудудий кўламга боғлиқ эканлигини қайд этишади. Уларнинг фикрича, йирик банкларнинг молиявий натижадорлиги юқори бўлиши билан тизимли рискларнинг кўлами юқори бўлишини қайд этилади [3].

О.Батай ва бошқалар биргаликда амалга оширган тадқиқотларида 2009-2018 йилларда Европа банклари панел маълумотлари асосида SG кўрсаткичлари ва молиявий натижадорлик (ROA, ROE, Tobin's Q) ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эмпирик тадқиқ этган. Тадқиқотлари натижасида, яшил сиёсатга доир молиявий сиёсат банкларнинг капитал ва активлар рентабеллигини ижобий даражада оширган. Бироқ, бошқарувга оид кўрсаткичлар тизими фойдалиликка эмас, фойданинг барқарор бўлишига хизмат қилганлигини таъкидлаб ўтишади. ESG тамойилларини маркетинг омили эмас, балки бошқа тармоқлар билан стратегик интеграция сифатида татбиқ этган банклар молиявий натижадорлик даражасини оширганлигини кўрсатиб берган. Уларнинг хулосаларида ESG тамойиллари операцион рисклиликини камайтириб, репутацион устунлик бериш билан бирга, узоқ муддатда фойдалиликни оширишга хизмат қилишини кўрсатиб ўтади [4].

Б.Тоц ва бошқалар биргаликда амалга оширган илмий изланишларида Европа банклари ESG маълумотлари ва молиявий барқарорлик ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилади. 2014-2019 йилларга доир тенденцияларни ESG омиллари биргина “имидж” эмас, балки рискларни совутиш воситаси сифатида ҳам қаралишини таъкидлаб ўтади. Ахборотларнинг шаффофлиги банкнинг бозордаги риск тузоғига тушишини қисқартириши асослаб берилади. Улар томонидан қуйидаги илмий хулосалар тизимлаштириб берилган. Жумладан, ESG маълумотларининг очиклиги тизимли ва инқироз рискларини камайтиришга хизмат қилган. Масалан, ESG кўрсаткичлари очик ва стандартлашган банкларда инқироз rischi 10-15 фоизга паст бўлган. Айниқса ушбу тенденциялар йирик банкларда сезиларли ижобий ҳолатларни ифодалаб берган. Уларнинг фикрича, ESG маълумотларини шаффоф ва стандарт тарзда очиклаб бориш Европа банклари учун “коммуникацион харажат” эмас,

молиявий барқарорликка капитал қўйилган инвестиция сифатида қадриятга айланганлигини ифодалашга урғу беришади [5].

1-расмдан кўриниб турибдики, АҚШ банкларининг 2024 йилдаги олган даромадлари ҳажми турли даражада эканлигини қайд этиш лозим. Жами даромад ҳажми ўтган йилларга нисбатан ўсган бўлсада, даромадлилик даражаси нобарқарорлик касб этаётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса, банкларда актив ва пасивларни бошқариш юзасидан мураккаблиklar мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, банкларнинг молиявий натижадорлиги банклар фаолиятида тўғридан-тўғри молиявий кўрсаткичларга боғлиқ бўлишдан ташқари, номолиявий ва ташқи омилларга боғлиқ эканлигини таъкидлаш лозим.



1-расм. АҚШ йирик банкларининг жами фойда ва даромадлари ҳажми 2024 йил натижалари [6]

АҚШ Федерал захира томонидан банкларнинг молиявий ҳисоботлари борасида айрим таҳлиларида ҳам молиявий натижадорликка тегишли бўлган жиҳатларни кўриш мумкин. АҚШ банклари 2023-2024 йилларда жами фоизли харажатлари ва фоизли даромадларидан ошиб кетиши билан салбий молиявий натижаларнинг вужудга келганлигини кўриш мумкин. Ипотека ва захира қимматли қоғозлари ҳисобидан фоизли даромадлар олинган бўлсада, бу етарли молиявий натижадорликни ифодаламаганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, депозиторлар учун тўловларнинг ошиши шароитида банкларнинг молиявий натижадорлиги камайиб бориш тенденциясини акс эттирганлигини таъкидлаб ўтади [7].

Тадқиқотларимиз асосида АҚШ банк тизими тажрибаси асосида қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:



Биринчидан, банкларнинг активлари даромадлилиги даражасини оширишда молия бозорининг ролини мустаҳкамлашга қаратилган чораларни кўриш. Рискка тортилган активларнинг бозордаги ўзгаришларга сезувчанлигини камайтириш мақсадида уларни диверсификациялашни амалга ошириш лозим ҳисобланади.

Иккинчидан, банкларнинг даромадлари таркибида фоизсиз даромадлар улушини оширишга эътибор қаратиш. Бунда фоизсиз даромадлар таркибини молиявий воситачилик учун олинadиган даромадлар ҳажми асосида оширишга эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача айтганда, банкларнинг инвестицион фаолият учун асосий маслаҳатчи ролини ривожлантиришга устуворлик бериш муҳим ҳисобланади.

Биз тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда банкларнинг молиявий натижадорлигини таҳлил қилишда Европа Иттифоқи давлатлари банк тизимини ўрганиш билан давом эттирамиз. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи мамлакатларида банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро стандартлари ва яшил сиёсатнинг устуворликлари қўлланиши билан ажралиб туради. Шунингдек, яшил кредитлаш асосида фойдалилик даражаси юқори активларни кўпайтириш асосида рискларни камайтириш ва муаммоли кредитлар улушини қисқартириш асосида молиявий натижадорликни оширишга қаратилган амалий чоралар амалга оширилаётганлигини кўриш мумкин.

Банк фаолиятини тартибга солишда Европа банк тизими Базел III стандартларига кучли таянишини кузатиш мумкин. Бу борада, капитал етарлилиги (биринчи даражали асосий капитал камида 10 фоиз), ликвидликни қоплаш коэффиценти (30 кунлик стресс учун камида 100 фоиз) ва барқарор молиялаштириш базаси камида 100 фоиз бўлишини назарда тутиб банкларнинг молиявий барқарорлиги сақлаб турилиши назарда тутилади.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи банклари яшил сиёсатнинг устуворлигини касб эттирадиган ESG (Environmental, Social, Governance) тамойиллари асосида кредит сиёсатини амалга ошираётганлигини кўриш мумкин. 2023 йилда Европа банклари активлари таркибида 13 фоизи яшил сиёсатни ўзида ифодалаган молиявий кўрсаткичга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Bloomberg Intelligence'нинг ҳисоб-китобига кўра эса, 2025 йил сўнгига қадар Европа Иттифоқи банкларининг активлари портфелларида “яшил” активлар улуши 20 фоизга етиши башорат қилинмоқда [8].

Қайд этиш лозим, Европа Иттифоқи мамлакатлари банк тизимида яшил кредитларнинг фоиз ставкалари анъанавий банк ставкаларига нисбатан 0,2-0,45 фоиз ҳажмида кичик эканлигини кўриш мумкин. Натижада, 2022-2023 йилларда барқарор яшил сиёсатга қаратилган кредитлар ҳажми 500 флрд АҚШ долларида ошганлигини кузатамиз. 2020 йилдан бошлаб Европа Комиссияси тартибга солиш қоидалари асосида яшил сиёсатни акс эттирувчи кредит портфели таркибида “Green Asset Ratio (GAR)” кўрсаткичини жорий этди.

Мазкур кўрсаткич ҳозирги кунда Европа йирик банкларида 7-8 фоиз атрофида эканлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, Европа банклари яшил сиёсат тамойилларини активларни бошқаришда марказий омилга айлантириб бормокда. Яшил активлар нисбати кўрсаткичининг жорий этилиши банкларнинг молиявий натижадорлигида биргина молиявий кўрсаткичларнинг ўзи етарли эмаслигини юзага чиқариб берди.

Хулоса

Бизнингча, АҚШ банк тизимида кужудга келган тенденциялардан хулоса қилиб айтганда, банкларининг молиявий натижадорлиги бир қатор омилларга боғлиқ эканлигини қайд этиш лозим:

Биринчидан, банкларда фоизсиз даромадларнинг барқарорлиги ва уларнинг банк даромадларидаги улушининг миқдори. Фоизсиз даромадларнинг ҳажмини оширишда банкларнинг молиявий бозордаги иштирокда маслаҳатчи ролини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади экан.

Иккинчидан, активларда олинадиган даромадларнинг фоизсиз даромадларга нисбатан ҳажмининг кескин ортиб кетмаслиги. Банк активларининг рискка мойиллик миқёсининг ошиб кетмаслигига қаратилган мажмуавий ёндашувларни амалга ошириш муҳимдир.

Учинчидан, банкларнинг масштаб самарасининг таъминланиши. Банкларнинг йириклашиб бориш сиёсатини амалга ошириш орқали уларнинг молиявий натижадорлигини кўпайтиришга эришиш мумкинлигини қайд этиш лозим. Шу нуқтаи назардан, банкларнинг молиявий натижадорлиги молиявий масштабнинг юқори бўлиши билан тўғри пропорционал боғлиқлигини ўзида ифодалаб беради, бироқ унинг рискка мойиллик даражаси ортиб боришини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари банк тизими молиявий натижадорлиги юзасидан айрим илмий хулосаларни келтиришга эътибор қаратамиз. Европада тижорат банклари 2010 йилдан сўнг мураккаб тарзда трансформация қилинганлигини кузатиш мумкин. Бу жабҳада тижорат банкларининг фойдалилиги ва молиявий барқарорлиги биргина фоиз маржасига эмас, балки турли даражалаги рискни камайтириш, ESG тамойилларини интеграция қилиш ва активларнинг сифатини оширишга устуворлик бермокда.

Биринчидан, Европа Иттифоқида банкларнинг резерв ва капитал талаблари (Basel III) асосида қатъий позицияга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бу эса, молиявий барқарорликни ҳимоя қилиш билан бирга, банкнинг фойдалилик даражасини қисқартиртиришга олиб келади.

Иккинчидан, Европа банклари ESG тамойилларини кредит сиёсатига интеграция қилишда муваффақиятли трансформацияни амалга ошира олди. Натижада, ESG тамойилларига устуворлик берган банкларда ROA ва ROE



даражаси юқори бўлди, операцион рисклар камайди. Шунингдек, ESG маълумотларининг очиклиги инқироз riskини 10-15 фоизга қисқартиришга шарт-шароит яратди. Шунинг учун ESG эндиликда Европа банклари учун “имидж” эмас, балки рақобат стратегияси ва riskни пасайтириш воситаси сифатида вужудга чиқмоқда.

Учинчидан, Европа банклари яшил кредитлашга нисбатан мезонларни жорий этганлиги натижасида яшил активларнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Тўртинчидан, фоизсиз даромадлар ҳам устуворлиги ошиб боришии фониданъанавий кредитлашнинг даромадлилик даражаси чекланганлиги кўзга ташланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, банкларнинг молиявий натижадорлигини оширишда ESG, активлар сифатини яхшилаш ва riskни стратегик жиҳатдан бошқариш асосий драйверлар сифатида позицияси мустаҳкамлаиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. DeYoung R., Rice T. Noninterest income and financial performance at US commercial banks //Financial review. – 2004. – Т. 39. – №. 1. – С. 101-127.
2. Schildbach J. et al. Bank performance in the US and Europe //Deutsche Bank Research. – 2013. – С. 1-20.
3. Nippani S., Ling R. Bank size and performance: An analysis of the industry in the United States in the post-financial-crisis era //Journal of Financial Research. – 2021. – Т. 44. – №. 3. – С. 587-606.
4. Bătae O. M., Dragomir V. D., Feleagă L. Environmental, social, governance (ESG), and financial performance of European banks //Accounting and Management Information Systems. – 2020. – Т. 19. – №. 3. – С. 480-501.
5. Tóth B. et al. The contribution of ESG information to the financial stability of European banks //Pénzügyi szemle/Public finance quarterly (1963-). – 2021. – Т. 66. – №. 3. – С. 429-450.
6. АҚШ банкларининг фойда ва даромадлари ҳажми тенденциялари <https://www.appeconomyinsights.com/p/us-banks-profits-surge>
7. Federal Reserve Banks Combined Financial Statements <https://www.federalreserve.gov/aboutthefed/files/combinedfinstmt2024.pdf>
8. Bloomberg, Green Finance Outlook, 2023